

## Ғалла – 2021

БАРАКАСИНИ БЕРСИН!

Жорий йилда фермерларимиз томонидан 6840 гектар майдонда бошоқли дон етиштиришяпти. 23 минг 955 тонна ғалла топшириш бўйича шартнома тузилган. Жумладан, 1500 тоннаси уруғлик буғдойдир.

Бугун Чўлигулистон ММТП ҳудудидаги “Ёз.Агростар” фермер хўжалигида ғалла ўрим-ийғимига тушиш олдидан семинар маслаҳат йиғилиши ўтказилди.

Семинарда туман ҳокими Д.Джалилов, вилоят прокурори ўринбосари Ф. Исмоилов, сектор раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги бўлимни ходимлари, миришкор деҳқонлар, фермер хўжаликлари отрядлар раҳбарлари, ягона ташувчи вакиллари қатнашдилар.

Тадбир аввалида пайкалга комбайн туширилиб, дон ўриш, сомонини боғлаш, орқасидан шудгорлаш жараёнлари амалда кўрсатилди.

Хўжалик дала шийпонида ўтказилган йиғилишда туман ҳокими Д.Джалилов, ИИБ бошлиғи Х.Тошпўлатов, прокурор ўринбосари М.Джурабаев, ФВБ бошлиғи С.Умаров, ҳоким ўринбосари А.Саидов, қишлоқ хўжалик бўлимни бошлиғи М. Тожибоев, оқсоқоллар ишчи гуруҳи аъзоси У.Абдураҳмонов ғалла ўрим-ийғимини қисқа фурсатларда йиғиштириб олиш, талон-тарожни олдини олиш, техника, ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, режани биринчилардан бўлиб, бажариш, ҳосилдан бўшаган майдонларни “Ёшлар”, “Аёллар”, “Темир” дафтарларидаги фуқароларга 25 сотиҳдан бериш бўйича гапириб ўтдилар.

Мавсум олдидан хирмонга барака тиланиб, қуръон тиловат қилиниб, дуо қилишди.

Ғаллачилик бўйича Ёзёвон фермерларининг ўзига хос тажриба мактаби бор. Бугун ўша тажрибага таяниб, иш тутадиган вақт келди.Хирмонларингизга барака!

**ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

2021-06-06 15:28:40